

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВ ШОХРУХ ШУХРАТОВИЧ

**ЁНОҚ-ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ХИРУРГИК
ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Юсупов Шохрух Шухратович

Ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларининг

хирургик давосини такомиллаштириш..... 3

Юсупов Шохрух Шухратович

Оптимизация хирургического лечения

травм скулоорбитального комплекса..... 23

Yusupov Shokhrukh Shukhratovich

Optimization of surgical treatment

of the zygomatic orbital complex injuries..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВ ШОХРУХ ШУХРАТОВИЧ

ЁНОҚ-ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ХИРУРГИК
ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib962 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Султонов Мехрибон Шамсиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Тожикистон)

Хабибова Назира Насуллоевна
тиббиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Киров Давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотига кўра, «...сўнгги ўн йилликда юз скелети тузилмаларининг шикастланишлари 2,4%га ошди. Ёноқ-орбитал комплекси (ЁОК) нинг жароҳатлари юз-жағ соҳасининг энг кенг тарқалган жароҳатлари қаторига кириб, уларнинг сони доимий ортиб бормоқда...»¹. Тўпланган клиник тажриба шуни кўрсатадики, суяк жароҳатларига суяк чоклари қўйиш ва Киршнер спицаларини ўрнатиш ижобий натижалар беришига қарамасдан уларнинг бир қанча камчиликлари мавжуд. Юз скелети суяклари жароҳатларини мини- ва микропластинкалар билан остеосинтез қилиш дунё тажрибасида кенг тарқалган усуллардан бўлиб, беморларни бирламчи реабилитация бўлиш имкониятини оширади. Ҳозирги вақтда «...ёноқ-орбитал комплекси суяклари синганидан сўнг уларни фиксация қилишнинг кўплаб услублари мавжуд. Аммо мазкур услублар синикларни мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг сифатли иммобилизацияси қаторида суяк нуқсонларининг уч ҳажмли реконструкциясини тўлиқ таъминлаб бермайди...»². Юқоридагиларни инобатга олиб, ЁОК жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштириш юз-жағ жарроҳлари олдида турган долзарб муаммолардан бири дейиш мумкин.

Жаҳонда ЁОК жароҳатлари хирургик давосини такомиллаштиришнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо мавжуд диагностика ва даволаш усуллари бугунги кун учун етарли эмас, шунинг учун қўшимча ташҳис усулларини ишлаб чиқиш қатъий талаб этилади. ЁОК жароҳатларини хирургик даволаш сифатини ошириш борасидаги ташҳис ва даволаш усулларини такомиллаштириш тақозо этилади. Айни шунинг учун ЁОК жароҳатларини ва уларни оқибатларини хирургик даволаш самардорлигини оширишда 3D реконструкцияни қўллаш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли жароҳатланиш натижасида юз-жағ деформацияларини олдини олиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали,

¹WHO (2016b). Newborns: reducing mortality [website]. Fact sheet no. 333. Geneva: World Health Organization. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs333/en/> (accessed 20 June 2016).

²Петрук П.С. Выполнение реконструктивно- восстановительных операций с применением материалов с эффектом памяти формы при травматических повреждениях латерального отдела средней зоны лицевого скелета // Российский стоматологический журнал. – 2015. - №6. – С. 51-52.

соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда юз-жағ соҳаси жароҳатларини ташхис ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ЁОК жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштириш имконини беради.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юз-жағ соҳаси жароҳатлари охириги 10 йилликда долзарб жарроҳлик муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Давыдов Д.В., 2016; Бакушев А.П., 2016; Vrinceanu D., 2014). Бир қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра, юз суяклари жароҳатлари орасида юз ўрта қисми жароҳатлари 18-31%ни ташкил қилади ва буларда асосан айнан ЁОК жароҳатлари (70%гача) кўпроқ учрайди. Аксарият ҳолларда 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркакларда бундай шикастланиш ҳолати кўп (73,9%гача) кузатилади (Касымов Ф.О., 2015; Lichtenstein J.T., 2017). Худди шундай вазият Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида ҳам кузатилади (Hwang W.J., 2017; Al-Moraissi E.A., 2017; Jacobs S.M., 2018; Koryczan P., 2015; Schneideraetal D., 2015). Охириги 10 йилликда юз ўрта қисми жароҳатларини жарроҳлик усулда даволашнинг турли услубларини қўллашнинг тўпланган тажрибаси кўрсатилаётган ёрдамнинг сифатини ошириш имкониятини беради, аммо ҳозиргача ҳам ушбу беморларга ёрдам кўрсатиша индивидуал ёндошувни етарли эмаслиги кузатилмоқда. Бунда жарроҳлик амалиётини оптимал муддати ва ҳажми, фиксация қилиш мосламаларининг танлови, уларни уйғунлаштириш, яъни умумлаштириш имконияти мавжуд бўлиб, юқори жағ бўшлиғининг олд ва латерал дефори ва кўз туби нуқсонларини баргараф этиш мақсадида имплантат ва автотрансплантатларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга (Еолчиан С.А., 2014; Шомуродов К.Э., 2017; Kim H.S., 2016;

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Birkenfeld F., 2016). Бу омилларни етарлича баҳоламаслик одатда жиддий хатоликларга, оқибатда кейинчалик йиринглаш ва яллиғланиш жараёнларининг ривожланишига, даволаниш муддатларининг узайишига, жароҳатдан кейинги кўпол эстетик ва функционал бузилишларига олиб келади, натижада кўп босқичли реконструктив тиклов операцияларини бажаришга эҳтиёж туғилади. Адабиётда келтирилган маълумотларга кўра, бундай беморларнинг 80%и ҳозирги пайтида остеосинтез қилиш талаб этилади (Li R., 2015). Титан пластиналарига альтернатив сифатида шакл хотирасига эга бўлган фиксацияловчи мосламаларни қўллашни келтириш мумкин. Бу усул ҳали етарли даражада тарқалмаган ва бизнинг фикримизча, даволашда кам сарф харажатларга эга функционал ва эстетик натижаларга олиб келадиган усул истиқболли усуллардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда юз-жағ суяклари шикастланиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш масалаларга кўп тадқиқотлар бағишланган бўлсада (Жилонов А.А., 2009; Боймурадов Ш.А., 2014; Касымов Ф.О., 2015; Шомуродов К.Э., 2017), бироқ, ЁОК жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштиришнинг самарадорлиги баҳоланмаган.

Бу борада ЁОК суяклари синган беморларни ташхис алгоритмлари ҳамда уларнинг янги реконструктив тиклов даволаш усулини ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда ва бу мазкур тадқиқотни амалга ошириш учун асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режалари №01070069 «Қулоқ, юқори нафас йўллари, юз-жағ соҳаси патологиясига ташқи ва ички муҳит омилларининг таъсири, уларнинг ташхис ва даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш» (2014-2018 йй) ҳамда «Инсон юзи учун имплант 3D дастурий таъминотини яратиш ва жорий этиш» (2018–2019 йй) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларига ташхис қўйишни оптималлаштириш ва жарроҳлик даволанишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёноқ-орбитал суяк синишлари клиник хусусиятларини тадқиқ этиш;

ёноқ-орбитал комплекси шикастланишини даволашда компьютер моделлаштириш усули самарадорлигини ҳамда 3D дастури ёрдамида суяк нуқсонини тиклашни баҳолаш;

ЁОК жароҳатларини жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

индивидуал моделлаштирилган имплантат ёрдамида ёноқ-орбитал комплекси шикастланишини жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида даволанган 12 ёшдан 84 ёшгача

бўлган ёноқ-орбитал комплекси шикастланиши мавжуд 117 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ёноқ-орбитал комплекси суяк синишига эга бўлган беморларнинг клиник маълумотлари, компьютер томографик моделлари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда 3D реконструкцияли мультиспирал компьютер томографияси, клиник ва рентгенологик, фотометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёноқ-орбитал комплекси суяклари синишида 3D технология қўллаш билан ташҳис қўйиш ва хирургик даволаш самарадорлиги исботланган;

ёноқ-орбитал комплекси суяклари синганида моделлаштирилган индивидуал имплантатни танлаш ва компьютер орқали индивидуал моделлаштириш асосида даволашнинг жарроҳлик усули ишлаб чиқилган;

жарроҳлик амалиётини режалаштиришда 3D технологияларидан фойдаланиш асосида амалга ошириладиган жарроҳлик услубининг амалий самарадорлиги асосланган;

ёноқ-орбитал комплекси суяклари синган беморларда жарроҳлик амалиётига қадар ва ундан кейинги босқичларнинг диагностик ва даволаш алгоритми ва стратегияси тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёноқ-орбитал комплекси нуқсон ва деформацияларини тиклашнинг 3D моделлаштириш услуби таклиф қилинган;

ёноқ-орбитал комплекс шикастланиши бўлган беморларда операциядан олдин ва операциядан кейинги босқичларида нур диагностикаси (рентгенография, МСКТ) услубларининг ташҳис қўйиш жараёнидаги самарадорлиги баҳоланган;

юзнинг ўрта қисми суяклари нуқсонларини бартараф этиш услуби ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

индивидуал имплантатни танлаш асосида жарроҳлик даволаш услуби тавсия этилган;

юз суяклари қўшма жароҳатлари асоратларининг олдини олиш ва профилактикаси учун компьютер дастури ишлаб чиқилган (DGU 04023 04 октябрь 2016 йил).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, рентгенологик, фотометрик ва статистик усуллар асосида ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўтказилган текшириш усуллари

жароҳатларнинг жойи ва табиатини аниқлаш, кўзни ҳаракатлантирувчи мушаклари ҳамда кўз олмаси ҳолатини баҳолаш, кўз олмаси ёғ клетчаткасини пролапси ва унинг деворидаги нуқсонлар ҳажмини белгилаш имконини берди, бу кўз косаси деворлари нуқсонлари ҳажмини аниқлаб, жарроҳлик усулларини режалаштиришда, айниқса, кўз косаси учун эндопротезларни танлашда муҳимдир. Беморни даволаш тактикаси иккита асосий ёндашувни ўз ичига олади: нуқсоннинг аниқланган ҳажми ва майдонига қараб имплантатни танлаш орқали жарроҳлик амалиётини бажариш; нуқсоннинг ўлчамига биноан юзнинг ўрта қисми пастки деворини имплант билан тиклашни металл остеосинтез билан биргаликда бажариш. ЁОК жароҳатларини даволашнинг операциядан олдинги ва кейинги босқичларида, амалиётдан олдинги режалаштиришнинг аниқлигини ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини объектив баҳолашни яхшилаш учун ташхисий тадқиқотлар алгоритминини ишлаб чиқиш зарурати асосланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, титанли мембранадан индивидуал имплантатни моделлаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ёноқ-орбитал комплексининг кам инвазив уч ўлчовли репозицияси ишлаб чиқилган ва биринчи марта амалиётда қўлланилган. Беморнинг умумий ҳолати ва жароҳатнинг оғирлигига кўра ҳамда юз скелети суякларининг синишига қараб тиббий реабилитацияни амалга оширишга имкон берадиган «Юз скелети суякларининг шикастланиши бўлган беморларда асоратларни башорат қилиш ва олдини олиш» дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юз ўрта қисми суяклари нуқсонларини бартараф этиш учун индивидуал имплантатни моделлаштириш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 сентябрдаги 8н-р/361-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома индивидуал имплантатни компьютерда виртуал моделлаштириш йўли билан юз ўрта қисми суяклари нуқсонларини бартараф этишнинг ишлаб чиқилган услуби оператив жарроҳлик аралашувининг битта босқичида суякнинг йўқотилган сегменти индивидуал имплантатини ўрнатиш ва беморларнинг функционал ҳамда ижтимоий адаптация муддатини қисқартириш имконини берган;

«Ёноқ-орбитал комплекси суяклари синишларида кўз косаси деворларини реконструкция қилиш услуби» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 сентябрдаги 8н-р/360-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ёноқ-орбитал комплекси суяклари синганида жарроҳлик даволашдан кейинги асоратлар миқдорини 30% га камайтириш имконини берган;

ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларини хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий марказининг Самарқанд вилояти филиали,

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 8н-р/233-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ва жарроҳлик амалиётида виртуал компьютер моделлаштиришнинг ишлаб чиқилган услуги ёноқ-орбитал комплекси шикастларини аниқ ташхислаш, жарроҳлик амалиётини режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг аниқлигини таъминлаб, кейинги асоратларнинг тўлиқ олдини олишга ва беморларнинг тўлиқ тузалиш муддатини 1,6 бараварга қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёноқ орбитал комплекси суяклари синишининг ташхиси ва жарроҳлик даволашни режалаштиришнинг замонавий жабҳалари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар асосида ёноқ орбитал комплекси суяклари синган беморларнинг эпидемиологияси, клиникаси ва реабилитация тадбирлари ҳақида илмий, амалий маълумотлар келтирилган, ташхис ва даволашнинг мавжуд бўлган услублари, уларнинг натижалари, авзаллик ва камчиликлари баён этилган. Кейинги тадқиқни талаб этувчи баҳсли масалалар келтирилган ва ёритилган.


Диссертациянинг «**Ёноқ орбитал комплекси жароҳатлари олган беморларнинг ташхисига методологик ёки услубий ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда материалларининг тавсифи

келтирилган. Жумладан, клиник материалнинг умумий тавсифи, амалга оширилган даволашнинг таснифи, самарадорлик мезонлари ва ўрганишнинг инструментал услублари келтирилган. Барча беморлар (n=117; 100%) госпитализация қилинганида GE Light Speed 64 аппаратида МСКТдан ўтказилган. Асосий гуруҳда МСКТнинг маълумотларини аксиал, сагитал ва коронал юзадаги МСКТнинг маълумотини коронал ва сагитал юзасидаги мультиспирал реконструкция ҳамда 3D моделларини тузиш билан тўлдирилган.

Олинган маълумотлар ўрта арифметик (M), ўрта квадрат ўзгариш (T), стандарт хато (M), нисбий ўлчовлар тез тез учраши, частотаси (%)ларни ҳисоблаган ҳолда статистик таҳлилнинг амалий дастурлари пакетини қўллаган ҳолда статистик ишлов берилган. Демак, олинган маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, статистик аҳамиятнинг ўзгариши, деганда ишончилиқнинг даражаси $p < 0,05$ дан катта бўлган.

Диссертациянинг «**Ёноқ орбитал комплекси суякларини синишининг клиник нур тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ёноқ орбитал комплекси суяклари синган беморларнинг клиник ташхиси, тавсифи берилган.

Ҳисобот даврида, яъни 2014 йилдан 2019 йилга қадар Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига юз скелети суяклари шикастланган 685 нафар бемор келиб тушган. Улардан ёноқ орбитал комплекси суяклари синган беморларнинг сони 117 нафар бўлиб, бу умумий шикастланганларнинг 17,1%га тенг (1-расм).



1-расм Ёноқ орбитал комплекси суяклари синиши даражаси

Ташқи кўриқда юзнинг симметриклиги, жароҳатдан кейинги шишнинг ҳажмига баҳо берилган, теридаги ўзгаришлар (шикаст етган соҳадаги гематомалар, субконъюнктивал кон қуйилишлар) ҳамда терининг шикастланиши (яра, чақалар) аниқланган.

Юмшоқ тўқималарни палпация қилганида оғриқ даражаси, тери сезилувчанлигининг ўзгариши ёки йўқолганлиги, тўқималарнинг таранглиги, тери ости эмфиземаларининг мавжудлиги баҳоланган. «Зинапоя» симптомини аниқлаш мақсадида паст кўз чети палпациясига алоҳида эътибор

қаратилган. Юқори жағ синусида ҳаво борлиги перкутор «дарз кетган тувак» симптоми ва «юклама» симптоми ёрдамида аниқланган.

Оғиз бўшлиғи кўригида оғиз очганида чекловлар бор ёки йўқлиги аниқланган, оғиз шиллиқ қаватининг яхлитлиги ҳамда шиллиқ ости гематомаларининг мавжудлиги баҳоланган. Палпация ёрдамида ёноқ алвеолар баландлик соҳасида «зинапоя» симптомининг бор ёки йўқлиги аниқланган. Алоҳида тишларига шикаст етказилмаганлигини аниқлаш, уларнинг сезилувчанлиги бузилишини аниқлаш мақсадида тиш қаторлари кўриқдан ўтказилган.

Клиник кўрик маълумотларига кўра, барча беморларда кўз ости, параорбитал, ёноқ ва лунж қисмида ва юмшоқ тўқималарнинг шишиши ҳисобига юз конфигурациясининг ўзгариши кузатилган (n=117; 100%).

Кўз ёриғининг торайиши, кўз ости соҳасида терининг сезгирлигини пасайиши беморларнинг аксариятида кузатилган (n=113; 96,6%). Ёноқ пешона чоки, ёноқ алвеоляр ўсиқ баландлиги, кўз ости соҳасида «зинапоя» симптоми 105 та ҳолатда (89,7%) қайд этилди. Ассиметрик бўлмаган кўриш чизиғи тепа паст, чап ва ўннга қарашда диплолопия ҳамда кўз ичида субконъюнктивал қон кўйилишлари 94 нафар (80,3%) беморда кузатилган.

Юзнинг ўрта қисми шикастланишининг 115 та ҳолатида (98,3%) бир томонлама бўлсада, бир неча шикастланишлар кузатилган. Икки нафар (1,7%) беморда юз ўрта қисмининг икки томонлама шикастланиши қайд этилган.

117 та ренгенограммалар таҳлил қилинганда, ёноқ пешона чоки, ёноқ алвеоляр баландлиги, юқори жағнинг алвеоляр ўсиқлари, юқори жағ синуси бутунлигининг бузилиши ҳамда уларнинг ҳолати, ўзаро жойлашуви ҳақида умумий ахборот олинган, ёноқ ўсиқлари ва ёноқ суяклари комплекси визуализация қилинган.

Бироқ ушбу ренгенограммалар тасвирни икки томонлама юзада кўрсатади. Улар кўз туби деворларининг ҳолатини етарли даражада кўрсатмайди. Уларнинг ҳолати ҳақида билвосита ахборот беради: яъни, паст кўз қирраси яхлитлиги бузилиши, юқори жағ синусининг қоронғилашуви, баъзи ҳолларда кўз қисми тузилмаларининг ноанъанавий визуализацияси. Кўз қисми деворлари суяк фрагментларининг ҳажми, сони ва ўзаро жойлашувига объектив баҳо бериш учун нур ташҳисининг юқорида келтирилган усуллари етарли даражада маълумот беролмайди. Ҳозирги вақтда рентгенологик тадқиқнинг мазкур турлари энг кўп қўлланиладиган ва қулай ҳисобланади. Бироқ кўз туби деворлари шикастланган ҳолатда ёноқ кўз комплексининг шикастида ретгенограмма орқали «скрининг» қилиш мумкин.

ЁОК синганида кўз туби деворлари шикастланишини етарли даражада ташҳисланмаслиги травмадан кейинги деформацияларнинг ривожланиши, кўз туби ва кўзнинг юмшоқ тўқималарининг силжиши, биннокуляр кўриш томонидан бузилишларнинг сабабига айланиши мумкин.

МСКТ 117 нафар (100%) беморда ЁОК жароҳатини аниқлаш имкониятини берган.

39 нафар (33,3%) бемор КТ маълумотларига кўра, визуал тарзда шикастланган орбитанинг симметриклик ҳолати ва шаклида ўзгаришлар аниқланган. Беморларнинг 2 нафарида (1,7%) юз ўрта қисмининг икки томонлама шикастланиши оқибатида иккала орбита симметрик ҳолати ва шаклида бузилиш аниқланган.

90,6% беморнинг кўз қисми остида ҳамда шикастланиш томонида буруннинг пастки қисмида сезилувчанликнинг бузилиши қайд этдилди. 42,7% диплопия, 4,3% кўз ҳаракатининг чеклови, 1,7% оғизни очиш функциясида бузилиш қайд этилган. Юзни фас, профил ва бошни тепага қилган ҳолда кўриқдан ўтказилган. Бу эса турли юзаларда суяк ва юмшоқ тўқима тузилмалари топографиясининг ўзгаришларини аниқлаш имкониятини берган. Жароҳатдан кейинги дастлабки пайтда аксарият ҳолларда ёноқ соҳасининг шишиши ва шикастланиш томонида субконъюнктивал қон қуйилиши кузатилган. Шикастдан кейинги иккинчи ҳафтада ёноқ соҳасининг тушиб қолиши ва яссиланиши кўринишидаги деформация кузатилган.

Палпация қилинганда кўз тубининг қуйи ва ташқи қирраси бўйича ёноқ ёйи ва оғиз ички текширилганда суяк «зинапоя»сини аниқлаш, оғиз бўшлиғи текширилганда ёноқ алвеоляр баландлик ҳолатини баҳолаш учун қўлланилган. Бундан ташқари, ёноқ пешона чоки бўйича диастаз мавжудлиги текширилган.

Кўз ҳажми ошиши ва кўз қисми ҳаракатланиши уларнинг бир бирига нисбатан ҳолати ва орбита бўшлиғидаги ҳолати бўйича ташҳисланган ва ўзгаришига эътибор қаратилган.

Кўз косаси пастки деворининг синиши аксарият беморларда учраган (96 нафар, 82,1%). Латерал деворининг синиши 65 ҳолатда (56,6%) беморларда учраган. Медиал деворининг синиши 45 беморда, юқори деворининг синиши 23 нафар беморда кузатилган. Кўз косаси битта деворининг чекланган синишлари 37 нафар (31,6%) беморларда, унинг икки девори 30 та (25,6%) ҳолатда, унинг уч девори 24 ҳолатда (20,5%) ҳамда барча деворларининг синиши 5 нафар (4,3%) беморда кузатилган.

Кўз косаси пастки деворининг бутунлай шикастланиши 22 нафар (18,8%) беморда учраган. Қолган ҳолатларда (n=95, 81,2%) кўз косаси пастки деворини айрим жойларини синиши кузатилган, 47 нафар (40,2%) беморда кўз косаси ичи эмфиземаси кузатилган.

Жароҳатларнинг аксариятида юқори жағнинг шикастланиши кузатилган, жумладан, юқори жағ синуси, алвеоляр ўсиғ ва тишларнинг шикастланиши таъкидланган. Баъзи беморларда кўз ёш суягининг шикастланиши аниқланган (n=26, 22%).

Текширилган беморларнинг барчасида (100%) қўшма жароҳатлар кузатилган.

1-жадвалда юз ўрта қисми юмшоқ тўқималарининг травматик шикастланишига боғлиқ тарзда беморларнинг тақсимланиши кўрсатилган.

68,4% беморларда (n=80), юқори жағ синусига орбита ичидаги ёғни турли даражада оқиб чиқиши кузатилган. Мазкур беморларнинг 32 нафарида

(27,4 %) юқори жағ синусига юмшоқ тўқималарнинг кириб кетиши, 41%ида эса фақатгина, ёғ мой тўқималарининг силжиши кузатилган.

Энофтальм 15 нафар (12,0%), кўзни ҳаракатга келтирувчи мушакларнинг шикастланиши 36 нафар беморда (30,8%) кузатилган.

Кичик суяк фрагментлари билан шикастланиш (14,3%) ва юқори жағ синусига мушакларнинг силжиши (n=14, 12,0%) кузатилган.

1-жадвал

Юз ўрта қисми юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари

Юз ўрта қисми юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари	Жами	
	Мутлоқ	%
Кўз косаси ичидаги ёғ модданинг оқиб чиқиши (орбита ички қисми)	80	68,4
Юз юмшоқ тўқималарининг шишиши	102	87,2
Кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг шикастланиши	36	30,8
Юз юмшоқ тўқималарининг эмфиземаси	102	87,2
Энофтальм, гипофтальм	15	12,8

102 беморда (87,2%) ЁОК жароҳати юмшоқ тўқималарининг эмфиземаси билан кузатилган ва бунда орбита бўшлиғи ҳамда юзнинг юмшоқ тўқималарида ҳаво вакуоллари, юзнинг юмшоқ тўқималари шишиши кузатилган (n=102, 87,2%).

Амалга оширилган тадқиқот қуйидагиларга имконият берган: шикастланишнинг жойлашуви ва характерини аниқлаш; кўзни ҳаракатга келтирувчи мушакларнинг ҳолатини баҳолаш; кўз ёноғининг жойлашувини аниқлаш, орбитал тўқима пролапсини аниқлаш ҳамда орбита деворлари нуқсонининг ҳажмини аниқлаш. Буларнинг барчаси орбита эндопротезини танлаш, оператив жарроҳлик амалиётини режалаштириш учун муҳимдир.

Барча беморларга операциядан олдинги даврда 3D принтерда босиб чиқарилган стереолитографик интраоперацион шаблонлик орбитанинг компьютер 3D модели тузилган (2-расм).



2-расм МСКТ ва беморни операцияга қадар бўлган уч қиррали модели

ЁОК синганида синиш чизиқлари ёноқ альвеоляр ўсиқдан ўтади, аксарият ҳолларда юқори жағнинг альвеоляр ўсиғи соҳаси қисмининг пастидан, орбитанинг қуйи чегараси орқали, ёноқ юқори жағ чоки ёки медиал қисмида, ёноқ ёйи, ёноқ чакка чоки ёки унинг ён қисмида, орбитанинг латерал чеккаси ёноқ пешона чоки қисмида ўтади.

Суяк фрагментларининг силжиши ёноқ ёйи қисмида мўътадил ёноқ чакка чоки бўйича ёноқ пешона ва ёноқ қанотсимон чоклар соҳасида мўътадил, орбитанинг қуйи қисми ва ёноқ альвеоляр тепалиги қисмида яққол намоён бўлади. Юқори жағ синуси олд ва орқа ташқи деворларида кўриниб турган шикастланишлар мавжуд. ЁОКсининг суяк бўлаги майда бўлакчаларга бўлиниб кетмайди.

ЁОК суякларини ҳолатини аниқлаш мақсадида шикаст олинганлик муддатига боғлиқ равишда ҳар бир гуруҳдаги беморлар қўшимча тарзда ўткир давр, шаклланаётган ва шаклланган посттравматик деформациялар (ПТД) босқичига мувофиқ тарзда шифохонага ётиш бўйича тақсимланиб чиқдик (2-жадвал).

2-жадвал

Шикастланиш тури ҳамда операциядан олдинги босқичда жароҳат олиш муддатига боғлиқ равишда беморларни тақсимланиши


Шифохонага келиш муддати	Шикастланиш турлари					
	Орбита пастки деворининг чекланган шикастланиши 1-гуруҳ		Ёноқ орбитал комплекси 2-гуруҳ		Юз ўрта қисми тузилмаларининг кўп сонли шикастланиши 3-гуруҳ	
	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%
Ўткир давр	18	78,3	60	90,9	24	85,7
ПТДлар шаклланаётган босқичи	3	13,0	2	3,0	2	7,1
ПТДлар шаклланган босқичи	2	8,7	4	6,1	2	7,1
Жами	23	100	66	100	28	100

Жароҳатдан кейин дарҳол яъни ўткир даврдаги беморларнинг аксарияти орбитанинг паст деворининг чекланган шикастланиши (n=18, 78,3%), ёноқ орбитал шикастланиши (n=60, 90,9%) кузатилган, шаклланаётган ПТД босқичида 7 нафар бемор (6,0%), шаклланган ПТД босқичида беморларнинг аксариятида юз ўрта қисми тузилмаларининг кўп сонли қўшма шикастланишлар аниқланган (n=24, 20,5%).

Ташҳисни объектлаштириш мақсадида юқори жағ синуси деворларининг кенглиги ва узунлигини антропометрик кўрсаткичлар ёрдамида ўрганиб чиқилган ҳамда орбита деворлари (узунлиги, кенглиги,

чуқурлиги) нуқсонларининг таҳлили амалга оширилган. Олинган маълумотлар 3-расмда кўрсатилган.

Расмда кўришиб турганидек, шикастланган томонда юқори жағ синусининг кенглиги соғлом томоннинг кенглиги билан деярли тенг ($3,49 \pm 0,07$ ва $3,61 \pm 0,06$ см) ва кўзга кўринарли фарқларга эга эмас. Юқори жағ синусининг узунлиги эса соғлом томонидан ишончли фарқланади ($2,87 \pm 0,08$ га қарши $3,57 \pm 0,07$ см). Орбита деворлари нуқсонларининг таҳлили ўрта ҳисобда нуқсоннинг кенглиги $1,58 \pm 0,06$ см, нуқсоннинг узунлиги $1,93 \pm 0,06$ см, чуқурлиги эса $5,47 \pm 0,34$ ммни ташкил қилган.




3-расм Асосий гуруҳдаги беморларда (n=32) юқори жағ бўшлиғини деворлари тузилишининг антропометрик кўрсаткичлари

Шундай қилиб, амалга оширилган тадқиқот шикастланишларнинг жойлашуви ва характерини аниқлаш, кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларнинг ҳолатини баҳолаш, кўзнинг ҳолатини баҳолаш, орбитал клечатканинг пролабсини аниқлаш ҳамда орбита девори ҳажмини катталигини аниқлаш имконини берган, бу эса оператив давони режалаштириш учун, айниқса, муҳим бўлган. Беморларни даволашда 2 хил йўл тутилган: бир гуруҳ беморларга нуқсонни ҳисобланган ҳажми ва майдонига мувофиқ имплантатни танлаб оператив даволаш ва бошқа гуруҳ беморларига эса имплантатга қўшимча юз ўрта қисми тузилмалари соҳасини металлостосинтез воситалари ёрдамида оператив даво қилинган.

Диссертациянинг «Ёноқ орбитал комплекс шикастланишини жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида таклиф қилинган даволаш усулларининг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Ёноқ орбитал комплекси суяклари синганида оператив даволашнинг қуйидаги босқичлари бажарилган: умумий интубацион наркоз остида операция майдони бетадин ва спирт билан 2 маротаба ишлов берилганидан сўнг, ёноқ суяги синган соҳада ва киприк ости соҳада 3 см.лик кесим қилинади, дастлаб, Лимберг илгичи ёрдамида ёноқ суяги репозицияси амалга оширилади, ёноқ суягини синган қисми битиб кетган бўлганида остеотом ёрдамида суякнинг рефратураси амалга оширилади. Сўнгра синиқлар тўғри


ҳолатда ўрнатилади ва минипластина ёрдамида остиосинтез амалга оширилади. Ярага қаватма-қават услубда викрил 5-0 ва пролен 5-0 синтетик чоклар қўйилди. (4-расм).




Изоҳ: А,Б - Лимберг илгаги билан ёноқ суякининг репозиция қилиш;
 В - кўз олмасини кўтариб, синиш ҳамда нуқсон зонасини аниқлаш;
 Г - минипластин ёрдамида орбитанинг пастки қиррасини остиосинтез қилиш;
 Д - нотўғри битган ёноқ суякнинг синиши;
 Е- ёноқ суяк остиосинтези.

4-расм Ёноқ суяги репозицияси ва остиосинтези

Операциянинг кейинги босқичида индивидуал тарзда моделлаштирилган титан мембрана махсус шуруплар ёрдамида орбитанинг пастки деворларига маҳкамланиб нуқсонини бартараф этиш амалга оширилади. Сўнгра гемостаз қилинади, шундан сўнг киприк ости яраси қаватма қават тарзда викрил 5-0 ва полипропилен 5-0 чоклари ва тикилган ярага асептик боғлам қуйилади (5-расм).





Изоҳ: А - 3D принтерида хирургик шаблон андозасини чоп этиш;
 Б - титан мембранали индивидуал имплантат;
 В - имплантатни жойлаштириш ва винт ёрдамида маҳкамлаш;
 Г- имплантат ва винтни виртуал ҳолатда жойлаштириш;
 Д – шуруп билан маҳкамлаб жойлаштирилган имплантат;
 Е- интрадермал чок орқали ярани тикиш.


5-расм Индивидуал тарзда моделлаштирилган титан мембранаси ёрдамида орбита пастки деворлари нуқсонини бартараф этиш

Орбита деворлари чегараланган синишларида оператив даволашнинг куйидаги босқичлари амалга оширилди: умумий интабацон наркоз остида операцион майдони бетедин ва спирт билан 2 марта ишлов берилгандан сўнгра пастки қовоқнинг киприк ости соҳасида терини 4 смли кесиш амалга оширилди (6-расм).



6-расм Орбита деворлари чегараланган синишида оператив даво

Орбита деворлари чегараланган синишлида кўз остида тери ва тери ости қаватлари босқичма-босқич, қатламма-қатлам кесилади, тери ёғ ости клечатка, мушак фасция ва периостни суякка қадар кесилади. Эҳтиёткорлик билан кўз атрофи ёғ клечаткаси кўз мушаклари ва кўзнинг ўзи кўтарилади. Бундан сўнгра паст девордаги нуқсон ва орбитанинг туби тўлиқ визуализация бўлади. Нуқсон индивидуал тарзда моделлаштирилган титан мембранаси ёрдамида бартараф этилади, мембрана кўзнинг пастки қисми соҳасида махсус шуруплар билан фиксация қилинади (7-расм). Сўнгра киприк ости яраси қатламли тарзда викрил 5-0 синтетик чоклари ёрдамида тикилади. Ярага асептик боғлам қуйилади.



- Изоҳ:** А – моделлаштирилган имплантат;
 Б – имплантатни жойлаштириш ва маҳкамлашни виртуал ҳолатда режалаштириш;
 В – тайёр ҳолатдаги имплантат;
 Г – ўнг орбитанинг пастки деворининг майдаланиб синиши;
 Д – индивидуал имплантатни жойлаштириш ва маҳкамлаш;
 Е – операциядан кейинги ҳолат.

7 – расм Индивидуал тарзда моделлаштирилган титан мембрана ёрдамида орбитанинг қуйи деворлари нуқсонини бартараф этиш

Асосий гуруҳнинг барча беморларига (n=32; 100%) операциядан олдинги даврда 3D принтерда чоп этилган стереолитографик интраоперацион шаблонли орбитанинг компютер 3D модели тузилган эди.

Солиштира гуруҳдаги беморларга (n=85; 100%) умумий оғриқсизлантириш остида оператив даволаш амалга оширилди, бунда минипластиналар (75%) қўллаган ҳолда кўзнинг қуйи қисмининг остиеосинтез босқичи, орбита деворларини эндопротезлаш (80%), ҳамда баллон эндотез (20%) қўлланилишини назарда тутилади.

Асосий гуруҳда оператив давонинг давомийлиги $49,8 \pm 2,6$ дақиқани ташкил қилган. Солиштира гуруҳда операция ўрта ҳисобда $85,3 \pm 2,3$ дақиқа давом этган. Бу асосий гуруҳга нисбатан ишончли тарзда кўпроқ вақтдир ($p < 0,05$).

Жарроҳлик амалиётидан кейинги 8-суткада чоклар олинди. Кўз атрофи қисми клиник кўриқдан ўтказилган. Бемор икки проекцияда суратга олинган, жарроҳлик амалиётидан бир ой ўтгандан кейин ҳам такрорий клиник кўриқ амалга оширилган ва суратга олинган.

Жарроҳлик амалиётидан уч ой ўтгандан кейин бемор яна такрорий кўриқ қилинган: клиник тадқиқот, суратга олиш, МСКТ тадқиқи, қоннинг умумий таҳлили ва офтольмолог маслаҳати амалга оширилган.

Сўнгра 6 ой ва 1 йилдан кейин бемор такрорий кўриқдан ўтказилган: клиник тадқиқот, суратга олиш, МСКТ тадқиқи, қоннинг умумий таҳлили ва офтальмолог маслаҳати амалга оширилган.

Асосий гуруҳ беморларида стационар даволаниш даври $3,6 \pm 0,2$ суткани, амбулатор даволаниш эса $10,2 \pm 0,2$ кунни ташкил қилган. Беморларнинг мазкур гуруҳида меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий даври $13,8 \pm 0,2$ кунни ташкил қилган.

Солиштирма гуруҳда стационар даволаниш даври $6,2 \pm 0,3$ суткани, амбулатор даволаниш даври эса $16,3 \pm 0,1$ кунни ташкил қилган. Беморларнинг мазкур гуруҳи меҳнатга лаёқатсизлигининг умумий даври $22,5 \pm 0,2$ кунни ташкил қилган (3-жадвал).

3-жадвал

Қиёсий тарзда меҳнатга лаёқатсизликнинг давомийлиги

Даволаниш жараёни	Асосий гуруҳ	Солиштирма гуруҳи
Стационар даволаш	$3,6 \pm 0,2$	$6,2 \pm 0,3^*$
Амбулатор даволаш	$10,2 \pm 0,2$	$16,3 \pm 0,1$
Меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий даври	$13,8 \pm 0,2$	$22,5 \pm 0,2^*$

Изоҳ: * – гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0,05$).

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, солиштирма гуруҳдаги беморларга нисбатан асосий гуруҳдаги беморлар 1,6 баравар тезроқ тикланганлар ва меҳнат фаолиятига қайтганлар.

Асосий гуруҳдаги 29 нафар (90,6%) беморларда ва солиштирма гуруҳнинг 66 нафар (77,6%) беморларида яхши натижа олинган. Улар ҳеч қандай неврологик симптомларни, бошдан кечирмадилар ёхуд барқарор ижобий динамикага эга бўлган сезилувчанликнинг аҳамиятсиз бузилишини қайд этдилар, эстетик ва функционал жиҳатлари эса тикланган.

Асосий гуруҳда 2 нафар беморда (6,3%) ва солиштирма гуруҳнинг 12 нафар (14,1%) беморларида қониқарли натижа олинган. Уларда тери қопламлари сезилувчанлигининг барқарор бузилиши, аҳамиятсиз диплопия ва энофтальм кузатилган. Мазкур беморларда визуал кўриқда юзнинг кичик ёки аҳамиятсиз асимметрияси қайд этилган.

Асосий гуруҳда 1 нафар (3,1%) беморда ва солиштирма гуруҳдан 7 нафар (8%) беморда қониқарсиз натижа қайд этили. Улар тери қоплами сезилувчанлигининг барқарор бузилишини, ёрқин ифодаланган диплопия ва энофтальм таъкидладилар, бундан ташқари юзнинг кўзга кўриниб турадиган асимметрияси ва пастки жағнинг контрактураси кузатилганлигини қайд этишган.

Сезилувчанлик ва ўзига хосликнинг анъанавий услубларини баҳолашда ва ташхис ҳамда даволашнинг услублари, юзнинг ўрта қисми суяклари нуқсонларини бартараф этиш учун индивидуал имплантатни моделлаштириш алгоритми қўлланилганида мазкур алгоритмни қўллашнинг аҳамиятли устувор томонлари аниқланган, чунки унинг сезилувчанлиги 90% ни, солиштирма гуруҳда эса 63,6% ни ташкил қилди.

Бир нечта қисмдан иборат дастурий комплекс ишлаб чиқилган. У бош меню сатрлари билан белгиланган. Дастур фойдаланувчи билан ишлашнинг диалог режимига асосланган. Бош менюдан бошлаб фойдаланувчи ишига ёрдам беради ва фойдаланувчи қарорини тасдиқлаш учун оралиқ содда менюларни қўллайди. Юз скелети суякларининг қўшма шикастланишига эга бўлган беморларда асоратларни прогнозлаш ва профилактика дастурини қўллаш беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги ҳамда юз скелети суяклари синишининг жойлшувига боғлиқ равишда беморларни комплекс даволашни танлаш ва тиббий реабилитацияни амалга ошириш имкониятини беради.

ХУЛОСАЛАР

«Ёноқ-орбитал комплекси жароҳатларининг хирургик давосини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ёноқ-орбитал комплекси суяклари синганида аксарият ҳолларда орбитанинг пастки (82,1%) ва латерал девори (55,6%) шикастланади. Орбитанинг пастки ва латерал деворининг синиши диплопия (42,7%), гипофтальм ва энофтальм (12,8%) кўринишидаги асоратларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ёноқ-орбитал комплекси суяклари синганида кўзнинг пастки девори изоляцияланган шикастланиш ҳолати 29,3%ни ташкил қилади.

2. Юз ўрта қисми суякларини нуқсонларини бартараф этиш, компьютер томографиясининг бажарилиши олинган маълумотларга кўра ҳажмли параметрларни аниқлаш, имплантатни тайёрлаш ҳамда шикастланган қисмга ўрнатиладиган жойни аниқ кўрсатиб беради. Бундан ташқари, кўз ости нерви иннервацияси соҳасида сезилувчанликнинг бузилиши (12,9%), юз ассиметрияси (11%), диплопия (16,7%), энофтальм (13,3%) сингари операциядан кейинги асоратларнинг 2,4 баравар қисқаришини таъминлайди.

3. Оператив даводан олдин нур диагностикаси ташхисининг замонавий услубларини қўллаган ҳолда реконструктив оператив давони режалаштириш жарроҳлик амалиёти вақтининг қисқаришини ҳамда хирургик аралашувнинг муваффақиятини кафолатлайди.

4. Ишлаб чиқилган жарроҳлик амалиёти усулини виртуал компьютер модели ёноқ-орбитал комплекси шикастларига аниқ ташхис қўйишни босиқларини аниқ ифодалайди, шу билан бирга, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг тўлиқ олдини олишга кўмаклашади. Жарроҳлик

даволашни режалаштириш ва амалга оширишнинг аниқлигини оширади, натижада, беморларнинг тўлиқ тузалиш муддати 1,6 бараварга қисқаради.

5. Таклиф этилган ёноқ-орбитал комплекси суяклари синишида жарроҳлик даволаш усули қўллаганда 90,6% ҳолатда унинг барқарор ижобий динамикага эришилгани ва юқори самардорлиги асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.31.10.2019.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЮСУПОВ ШОХРУХ ШУХРАТОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ТРАВМ
СКУЛООРБИТАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib 962.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet»(www.ziyounet.uz)

Научный руководитель: **Боймуратов Шухрат Абдужалилович**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Султонов Мехрибон Шамсиевич**
доктор медицинских наук, профессор
(Таджикистан)

Хабибова Назира Насуллоевна
кандидат медицинских наук

Ведущая организация: **Кировский Государственный медицинский университет (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета PhD.31.10.2019.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200118, г. Бухара, улица Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 200118, г. Бухара, улица Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2019 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Н.У. Нарзуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Н.А. Нураллиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...За последнее десятилетие число повреждений структур лицевого скелета увеличилось в 2,4 раза. Травмы скулоорбитального комплекса (СОК) относятся к наиболее распространенным повреждениям челюстно-лицевой области с постоянной тенденцией к росту...»¹. Накопленный клинический опыт показывает, что существует ряд недостатков при наложении костных швов и фиксации отломков спицами, хотя имеются относительно известные положительные преимущества. Остеосинтез с использованием мини и микропластин является одним из самых распространенных методов в мире, что значительно увеличивает потенциал первичной реабилитации больных с повреждениями костей лицевого скелета. В настоящее время «...существует множество способов фиксации костей скулоорбитального комплекса при их переломах, однако перечисленные способы не позволяют обеспечивать качественную иммобилизацию и трёхмерную реконструкцию костных дефектов...»². Учитывая вышесказанное, совершенствование хирургического лечения травм СОК является одной из актуальных проблем, стоящих перед челюстно – лицевыми хирургами.

В мире проводится широкий круг научных исследований по совершенствованию технологий хирургического лечения травм скулоглазничного комплекса, однако существующие методы диагностики и лечения уже недостаточны, возникла настоятельная необходимость в дополнительных методах исследования. С этих позиций представляется перспективным изучение диагностических и лечебных мероприятий по повышению качественных показателей хирургической помощи больным с травмами скулоорбитального комплекса. Именно поэтому возможность эффективного хирургического лечения острых травматических повреждений скулоглазничного комплекса и их последствий с использованием 3D-реконструкции является актуальной.

На сегодняшний день в нашей стране достигается значительный прогресс в развитии сферы медицины, адаптации системы здравоохранения к требованиям мировых стандартов, прогнозированию и профилактике деформаций костей лицевого скелета среди населения в результате различных травм. В Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» установлены такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и

¹WHO (2016b). Newborns: reducing mortality [website]. Fact sheet no. 333. Geneva: World Health Organization. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs333/en/> (accessed 20 June 2016).

²Петрук П.С. Выполнение реконструктивно- восстановительных операций с применением материалов с эффектом памяти формы при травматических повреждениях латерального отдела средней зоны лицевого скелета // Российский стоматологический журнал. – 2015. - №6. – С. 51-52.

доступности медицинской помощи в нашей стране, а также создание системы медицинской стандартизации, поддержка здорового образа жизни путем внедрения высокотехнологичных методов лечения, создания эффективных моделей патронажного обслуживания, диспансеризации и профилактики заболеваний ...»³. Эти задачи позволят улучшить хирургическое лечение травм СОК путем повышения уровня современных медицинских услуг по диагностике и лечению травм челюстно-лицевых зон и совершенствования использования современных технологий в предоставлении качественной медицинской помощи.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренной модернизации системы здравоохранения Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

